

**“ТАСДИҚЛАНГАН”  
“O‘zenergositish” АЖ  
Ягона акциядорининг  
2024 йил 29 ноябрдаги  
9-сонли қарори билан**

**“O‘ZENERGOSOTISH” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ДИВИДЕНД  
СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

**Тошкент – 2024 йил**

## **МУНДАРИЖА**

|  |          |
|--|----------|
| <b>I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР</b>  | <b>3</b> |
| <b>II. ДИВИДЕНД МИҚДОРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ</b>            | <b>4</b> |
| <b>III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ</b>                | <b>6</b> |
| <b>IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ БЎЙИЧА<br/>ЖАВОБГАРЛИК</b> | <b>7</b> |
| <b>V. МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ</b>                          | <b>7</b> |
| <b>VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР</b>   | <b>8</b> |

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. “O‘zenergosotish” акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати тўғрисида”ги низоми (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, “O‘zenergosotish” АЖнинг (кейинги ўринларда – Жамият) Устави, Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон мажлиси баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом Жамиятнинг дивиденд сиёсатида акс эттирилиши ва ошқор қилиниши лозим бўлган умумий масалаларни ўз ичига олади.

2. Жамиятнинг дивиденд сиёсати акциядорлар фаровонлигини оширишга ва Жамият капиталлашувининг ортишини таъминлашга қаратилган. Низомнинг мақсади – акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларни Жамиятнинг дивиденд сиёсати тўғрисида хабардор қилишдан иборат.

3. Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгашининг акциялар бўйича дивиденд миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишга ёндашувини белгилашга мўлжалланган.

4. Жамият акциядорларига дивиденд тўлаш билан боғлиқ баъзи масалалар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Жамият Устави ва мазкур Низом нормалари билан тартибга солинмаган бўлса, улар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади.

5. Мазкур дивиденд сиёсати 2025-2030 йиллар учун мўлжалланган. У Жамият капиталлашувининг ўсишини Жамият акцияларидан даромад олишда акциядорнинг мулкӣ манфаатларини қондиришнинг асосий усули деб ҳисоблайди. Дивиденд сиёсати акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида Жамият томонидан олинган фойданинг истеъмол қилинадиган ва капитализация қилинадиган қисмлари ўртасидаги нисбатни оптималлаштиришга қаратилган.

6. Жамиятнинг дивиденд сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- шаффофлик тамойили - дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи томонларнинг мажбурият ва жавобгарликларини, шу жумладан, дивиденд тўлаш ва унинг миқдори бўйича қарор қабул қилиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва ошқор қилишни аниқлатади;

- ўз вақтида амалга ошириш тамойили - дивиденд тўловларини амалга оширишда муддатларни белгилашни назарда тутати;

- асослилик тамойили - дивидендлар тўлаш ва унинг миқдори бўйича қарор фақат Жамиятнинг ҳақиқий молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, унинг

ривожланиш режалари ва инвестицион дастурларини ҳисобга олган ҳолда, ижобий молиявий натижага эришган тақдирдагина қабул қилиниши мумкинлигини англатади;

- адолатлик тамойили - дивидендларни тўлаш, тўлов миқдори ва тўлаш тартиби бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги маълумотларни олишда акциядорларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашни назарда тутатди;

- изчиллик тамойили - дивиденд сиёсатининг тартиб ва тамойилларини қатъий амалга оширишни назарда тутатди;

- ривожланиш тамойили - корпоратив бошқарув тартиб-қоидаларини яхшилаш доирасида дивиденд сиёсатини доимий равишда такомиллаштириш ва унинг қоидаларини Жамиятнинг стратегик мақсадларидаги ўзгаришларга боғлиқ равишда қайта кўриб чиқишни назарда тутатди;

- барқарорлик тамойили - Жамиятнинг дивиденд тўлашнинг барқарор даражасини таъминлашга интилишини англатади.

7. Жамият томонидан жойлаштирилган акциялар бўйича дивиденд тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарорни қабул қилиш Жамият Ягона акциядорининг ҳуқуқи ҳисобланади. Ягона акциядор акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ёки тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

8. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш Жамиятнинг мажбурияти ҳисобланади. Дивидендларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, солиқлар, дивидендларни ўтказиш, почта харажатлари) бошқарув органининг қарори билан дивидендларни олувчи акциядорга юклатилиши мумкин эмас. Жамият ушбу мажбуриятни бажармагани учун акциядор олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

9. Қуйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди ва тўланмайди:

- жойлаштирилмаган акциялар бўйича;

- Жамият томонидан сотиб олинган ва/ёки қайтариб олинган акциялар бўйича;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

10. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 54-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, Жамият акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

## **II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРINI БЕЛГИЛАШ ВА МИҚДОРINI АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

11. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги ва (ёки) молиявий йил якунлари бўйича акциялар бўйича дивиденд тўлаш

(эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли (ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилганлар ҳолатлар бундан мустасно).

12. Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойлиги якунлари бўйича дивиденд тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарор тегишли давр тугаганидан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

13. Дивидендлар Жамият ихтиёрида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Шу билан бирга, дивидендларни ўз вақтида тўлаш ва дивидендларни тўлаш учун маблағларнинг айланма капиталдан олиб қуйилиши натижасида Жамият молиявий ҳолати ёмонлашишининг олдини олиш мақсадида, Жамият ўзининг соф фойдаси ҳисобидан умидсиз дебиторлик қарзлари учун захира яратади.

14. Жамиятнинг Ягона акциядори ҳар бир тоифадаги акциялар бўйича дивиденд тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Ягона акциядорга акциялар бўйича дивиденд миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар беради. Дивидендлар миқдори Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан ортиқ бўлмаслиги керак.

15. Акциядорлар умумий йиғилишининг дивиденд тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қабул қилинган қароридан куйидагилар белгиланиши керак:

- дивидендлар тўланадиган (эълон қилинадиган) акцияларнинг тоифаси (тури);

- муайян турдаги бир акцияга ҳисобланган дивиденд миқдори;

- дивидендларни тўлаш муддати, тартиби ва шакли.

16. Жамият қонунчиликда белгиланган ҳолларда, шунингдек, оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлиқ тўлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда дивидендларни ҳисоблаш (тўлаш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

17. Ягона акциядорга тавсия этиладиган акциялар бўйича дивидендлар миқдори Кузатув кенгаши томонидан куйидаги омиллардан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

- аудитор хулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисоботларга кўра соф фойда миқдоридан;

- Жамиятнинг кейинги даврлар учун молиявий-хўжалик режаларидан;

- тегишли давр охирига Жамиятнинг айланма маблағлари таркибидан;

- тегишли давр охирига Жамиятнинг қарз юкидан.

18. Тавсия этиладиган дивидендлар миқдорини белгилашда Кузатув кенгаши Жамиятнинг кейинги даврлар учун молиявий-хўжалик режаларини, Жамиятнинг айланма маблағлари ва мажбуриятларининг жорий ва истиқболли ҳолатини ҳисобга олиши лозим. Жамиятнинг Ягона акциядорига Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган дивидендларни тўлаш Жамият томонидан қўшимча қарз маблағларини жалб қилишга ёки кейинги даврлар учун

тасдиқланган молиявий-хўжалик режада назарда тутилмаган бошқа харажатларга олиб келмаслиги керак.

### **III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

19. Жамият дивидендларни Ягона акциядорнинг қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёки Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўлаши мумкин.

20. Дивидендларни тўлаш муддати Жамия Ягона акциядорининг қарори билан белгиланади, лекин дивиденд тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги керак.

21. Жамиятнинг айби билан белгиланган муддатларда дивидендлар Ягона акциядор томонидан белгиланган муддатларда тўланмаган (олинмаган) тақдирда, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланган пеня миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

22. Жамиятнинг бухгалтерияси акциядорлар билан ишлашни ташкил этиш ва юритиш функцияларига эга бўлган тузилмавий бўлинмаси билан биргаликда ушбу Низомда назарда тутилган дивидендларни тўлашни ташкил қилиш бўйича барча тадбирларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва ўтказишни амалга оширади.

23. Ягона акциядор Жамиятга акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш тартиби, дивидендлар суммаси ва солиққа тортиш тартиби, тўлаш шартлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш сўрови билан мурожаат қилишга ҳақли.

24. Акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқи Ягона акциядорга тегишли. Ягона акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсига ўз маълумотларидаги ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида хабар бериши шарт. Акциядор ўз маълумотларидаги ўзгаришлар ҳақида маълумот тақдим этмаган ҳолларда, унинг акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи Марказий депозитарий акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

25. Акциядор дивидендларни ўтказиш учун банк реквизитларини ёки манзилини нотўғри кўрсатган бўлса, ёки Жамиятга ушбу реквизитлар тўғрисида хабар бермаган ёки улар ҳақида ўз вақтида хабар бермаган бўлса, Жамият акциядорга етказилган зарар учун жавобгарликни олмайди. Ушбу бандда кўрсатилган сабабларга кўра акциядор айби билан нотўғри ўтказилган дивиденд суммалари Жамиятга қайтарилганидан кейин, уларнинг тўғирланган реквизитлар бўйича акциядорга қайтадан ўтказилиши, уларнинг қайтариш ва қайта ўтказиш харажатлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

26. Жамият акциядорга тегишли бўлган акциялар бўйича даромад тўлашда солиқ агенти ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар бўйича амалдаги қонунчилигида белгиланган солиқларни чиқариб ташлаган ҳолда ҳисобланган дивидендларни тўлайди. Солиққа тортишнинг стандарт ставкалари қўлланмаслиги керак бўлган акциядор амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тасдиқловчи ҳужжатларни Жамиятга тақдим этади.

#### **IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК**

27. Жамият ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Дивидендларни тўлашда акциядорларнинг ҳеч бири тўлов муддатлари бўйича устунликка эга эмас.

28. Жамиятнинг ижро органи акциядорга дивидендларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш учун жавобгар ҳисобланади. Дивидендларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш бўйича Ижро органининг ҳаракатларини назорат қилиш Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

29. Ҳисобланган дивидендлар тўланишини таъминлаш мақсадида Кузатув кенгаши ўз мажлисларида дивидендларни тўлашнинг бориши тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Жамият ижро органи айби билан дивидендлар тўлиқ ёки ўз вақтида тўланмаган ҳолларда, Кузатув кенгаши айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини белгилайди ва тегишли санкциялар қўллайди ёки уларни қўллаш ташаббуси билан чиқади.

30. Жамият ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, акциядор суд тартибида ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

31. Жамият зиммасига солиқ агентининг дивидендлар бўйича солиқ суммасини ушлаб қолиш ва уларни ўтказиш бўйича юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

#### **V. МАЪЛУМОТНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ**

32. Ушбу Низом, шунингдек, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, тегишли қарор қабул қилинган бошқарув органи мажлиси баёни имзоланганидан сўнг ўн кун ичида Интернет тармоғидаги Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида эълон қилинади.

33. Ягона акциядор дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилганда, Жамият қонунчиликда белгиланган муддатларда муҳим фактлар тўғрисидаги хабар шаклида маълумотларни ошкор қилади. Шу билан бирга, Жамият электрон почта орқали акциядорга унга дивидендлар ҳисоблангани тўғрисида хабарномани юборади.

34. Жамият ўзининг дивидендларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажаргандан сўнг, тегишли маълумотларни қонунчиликда белгиланган муддатларда муҳим фактлар тўғрисидаги хабар шаклида ошкор қилади.

## VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

35. Ушбу Низом, шунингдек, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Жамиятнинг ички аудит хизмати, Жамиятнинг ижро органи таклифига биноан киритилади ва Ягона акциядорнинг қарори билан тасдиқланади.

36. Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Устави билан зиддиятга тушса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалаларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Устави қоидаларига амал қилинади.